

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 17 » ИЮНЬ 2019 у.

№ 502

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арzon уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 12 апрелдаги 285-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар учун қулай шароит яратиш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арzon уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 12 апрелдаги 285-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2018 йил, 4-сон, 90-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари – Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.К. Нарбаева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “17” июнданги  
502-сон қарорига  
иолова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арzon уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”**  
**2018 йил 12 апрелдаги 285-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1. Қарор 2-бандининг “б” кичик бандида:**

а) иккинчи ва учинчи хатбошиларидағи “икки, уч қаватли” сўзлари “кўп қаватли” сўзлари билан, “2-3 хонали бир қаватли уй-жойлардан” сўзлари “жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали (ёнма-ён қуриладиган) арzon уйлардан” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) куйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар кўшилсин:

“0,02 гектарли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали (ёнма-ён қуриладиган) арzon уйлар қурилмаган туман (шахар)ларда уларнинг ўрнига кўп қаватли уйлардаги хонадонлардан (2-3 хонали);

кўп қаватли уйлар (2-3 хонали) қурилмаган туман (шахар)ларда уларнинг ўрнига 0,02 гектарли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали (ёнма-ён қуриладиган) арzon уйлардан;”.

**2. Қарор 2-бандига куйидаги мазмундаги “г” кичик банд кўшилсин:**

“туман (шахар)ларда 0,02 гектарли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали (ёнма-ён қуриладиган) арzon уйлар ҳамда кўп қаватли уйлар қурилиши белгиланмаган бўлса ёки ажратилган уй-жойлар сонидан кам талабгорлар мавжуд бўлса, талабгорлар кўп бўлган туман (шахар)ларга тоифалар бўйича белгиланган тақсимотга, истисно тариқасида, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тегишли қарори билан ўзгартириш киритилади”.

**3. Қарор 4-бандининг “а” кичик банди иккинчи ва учинчи хатбошиларидағи “25” ва “75” рақамлари тегишлича “10” ва “90” рақамлари билан алмаштирилсин.**

**4. Илованинг 3-бандида:**

а) иккинчи ва учинчи хатбошиларидағи “икки, уч қаватли” сўзлари “кўп қаватли” сўзлари билан, “2-3 хонали бир қаватли уй-жойлардан” сўзлари “жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали (ёнма-ён қуриладиган) арzon уйлардан” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) куйидаги мазмундаги олтинчи ва етгинчи хатбошилар кўшилсин:

“0,02 гектарли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали (ёнма-ён қуриладиган) арzon уйлар қурилмаган туман (шахар)ларда уларнинг ўрнига кўп қаватли уйлардаги хонадонлардан (2-3 хонали);

кўп қаватли уйлар (2-3 хонали) қурилмаган туман (шахар)ларда уларнинг ўрнига 0,02 гектарли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали (ёнма-ён қуриладиган) арzon уйлардан;”.